



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2022-yil 30-aprel, shanba,  
50 (23.617)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Йўқлов, кўнгил  
сурашни зиёфатга  
айлантдириб  
юбормаяпмизми?  
Мезбоннинг  
иложсиз қолишини  
уйламаяпмиз  
чоғи

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews\_uz https://twitter.com/zarnews\_uz

## 65 НАФАР ШАХС АФВ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайити байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 65 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 2 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 39 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 18 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг 1 нафарини чет эл фуқароси, 3 нафарини аёл, 3 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 3 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва ақинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.



Доимий аҳоли ва туманлардан келувчиларни қўшиб ҳисоблаганда, Самарқанд шаҳрида қунига 925 минг киши ҳаракатланади. Уларнинг катта қисми – 592 минг нафари шахсий автомобилларда юрибди. Жамоат транспортдан бор-йўғи 330 мингдан зиёд аҳоли фойдаланяпти.

Бунга сабаб жамоат транспорти қатнови қўлаё ва барқарор эмас. Ташувчилар аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб эмас, қўннинг “энг даромадли” пайтида ҳаракат қилади. Сўнгги икки йилда 38 та маршрут норентабеллик сабабли тўхтаган, 300 та автобус етишмайди.

Тақдиротда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.

Унга кўра, жамоат транспорти тармоғи магистрал, етказиб берувчи ва ички йўналишларга ажратилади. Ҳозиргига қўшимча 40 та янги йўналиш, хусусан, аэропорт, вокзал ва тарихий марказларни боғлайдиган 5 та экспресс йўналиш ташкил эти-

лади. Автобуслар катта сифимлисига алмаштирилиб, марказий кўчаларда уларнинг ҳаракати учун алоҳида йўлак ажратилади. 2022 йилда 80 та, 2023 йилда 100 та электробус олиб келинади. Бекатлар сони кўпайтирилади. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги таркибиде транспорт бўлими ташкил этилади. 1 июлдан бошлаб, Самарқанд вилояти бюджетидан шаҳар транспортга субсидия ажратиб йўлга қўйилади.

– Ҳаёт тезлашди, одамларнинг фаоллиги ошди. Лекин жамоат транспорти аввалгидай турибди. Йўлни кенгайтириш билан тирбандлик муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Жамоат транспортга устулик бериш керак. Дунё тажирибасига қараганлар. “Ақли светифор”лар ўрнатиб, йўл ҳаракатини онлайн бошқариб, кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш зарур. Келгусида ҳамма шахарларимизда шундай қиламиз. Самарқанд бунда андоза бўлиши керак, – деди Президент.

Лойиҳани жамоат транспорти ҳолати энг оғир бўлган кўча-

лардан бошлаб, босқичма-босқич амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Паст Дарғом ва Булунғур туманларини Самарқанд шаҳри билан боғлайдиган электропоезд қатновини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Бу йил Самарқанд шаҳрида 160 километр йўл таъмирланади, 5 та йўл ўтказгич қурилиши бошланади. 102 та янги бекат ташкил қилиниб, мавжудлари тартибга келтирилади.

Тақдиротда Самарқанд вилояти махсус эксплуатация-монтаж бўлими томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳам кўриб чиқилди. Самарқанд шаҳридаги 49 та чорраҳада “транспорт оқимини рақамли бошқариш” тизими жорий этилиши, 140 та чорраҳага замонавий светофорлар ўрнатилиши, марказий кўчалар замонавий йўл белгилари билан жиҳозланиши қайд этилди. Натижада светофорда туриш вақти 31 фоизга, ҳаракат вақти 36 фоизга, ҳаракат тезлиги 17 фоизга яхшиланади.

## Маҳалла раиси бўлмоқчимсиз?

**Шу кунларда айрим кишилар маҳаллага раис бўлман, деб жони ҳалак. “Ҳокимга сўзи ўтадиган танишинг йўқми, маҳалла раислигига номзодимни ўтказиб берсин”. Бу каби гап-сўзлар кўпайгандан-кўпайган.**

Савол туғилиши табиий – маҳалла оқсоқоли бўлишга қизиқиш аввал ҳам шу даражада кучли эдимки энди пайдо бўляптими?

Президентнинг 2022 йил 1 мартдаги қарорига асосан, 1 майдан маҳалла раисларининг ойлик иш ҳақи мавжуд хонадонлар сонига қараб белгиланади:

- хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 4 баравари (3 миллион 288 минг сўм) миқдориде;
- хонадонлар сони 501 тадан 1000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 4,5 баравари (3 миллион 699 минг сўм) миқдориде;
- хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 5 баравари (4 миллион 110 минг сўм) миқдориде.

Айтишларича, фақатгина шу янгиликнинг ўзиёқ маҳалла раислигига қизиқишни ошироқда. Қолаверса, тизимда амалга оширилган қатор ижобий

ўзгаришлар маҳалла раиси (оқсоқоли)нинг нуфузи ва роли ошишига хизмат қилди. Ҳар жабҳада бўлгани каби маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловида ҳам қонун-қоида бор. Афсуски, кўпчилик бу борада тайинли маълумотга эга бўлмадан, “отни қамчилаб” қолиб илинжида.

**НОМЗОДЛАР ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?**

Жорий йилнинг май ойда бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари сайловлари 3 босқичда ўтказилади. Хусусан, 1-босқичда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар қўрилади.

Асосий – 2-босқичда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилиб, сайлов якунлари чиқарилади. Сайловдан кейинги 3-босқичда фуқаролар йиғини органлари шакллантирилади. Яъни, сайлов натижалари бўйича бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгаши шакллантирилади, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар сайланади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Аслида 3 йил муддатга сайланадиган маҳалла раиси шу ерда ашовчи фуқаролар йиғини томонидан, яъни халқ томонидан лавозимга қўйилиши керак. Бунда муҳим жараён – номзод-

ларни кўрсатиш. Яъни, сайловдан аввал раисликка номзоди қўйилмаган шахсларга аниқлик киритиб олинади. Қонунга кўра, мазкур лавозимга номзод кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инobatга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Ақсарият ҳолларда айтиш шунорма ишлагани учун турли тушуномчиликлар келиб чиқади.

Қолаверса, оқсоқолликка номзодларга қўйилмаган талаблар қонунда аниқ кўрсатиб қўйилган: Номзодлар Ўзбекистон Фуқароси бўлиши, қоида тарихида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш, шунингдек, ҳаётий тажирибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

**ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАЛАБИ ВА ТАКЛИФИ ҚАНДАЙ?**

Агар ёдингизда бўлса, давлат раҳбари Наманган вилоятига ташрифи давомида маҳалла раислигига номзодлар борасида аниқ, якуний хулосани айтиб ўтганиди:

“Энди маҳалла – ташаббускор, маҳалла раиси – ислохотчи. Бунда нимани тушунаимиз? Маҳалла раиси олдингидек тўйу томошаларда меҳмон кутуби, кузатадиган одам эмас”. Давлатимиз раҳбарининг гапларидан кейин

## Бугуннинг гапи

бу фикрга ўрин қолмагандек. Шундай бўлса-да, айтиб ўтиш лозим, қуйидагилар маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас:

- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;
- оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;
- суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар;
- ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар;
- диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари.

Овоз бериш жараёнида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга иштирок этиши мумкин эмас. Сайловда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

### ЭСЛАБ ҚОЛИН!

Қонунга кўра, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга доир ҳужжатлари тайёрлади ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиб учун тегишли комиссияга сайловдан камида 10 кун олдин тақдим этади. Туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида 5 кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осяб қўйди.

**Е.МАРҚАЕВ.**

## 9 май – Хотира ва қадрлар куни

# “ЗАРАФШОН” НИНГ МУҲАРРИРЛАРИ

## Улуғларни улуғлаш – савоб

Ҳар бир жамиятнинг қаҳрамонлари, фидойилари бўлади. “Зарафшон” газетасига 1913 йилдан буён бош муҳаррирлик қилган ҳар бир зиёли ана шундай ша- рафга сазовор бўлган. Уларнинг зиммасида жамоани бошқариш баробарида жамиятдаги ўзгаришларни те- ран англаш, уни халққа етказиш ва энг муҳими, ижтимоий муҳитда етакчилик қилиш юки ҳам бор эди. Ва комил ишонч билан айта оламизки, улар бу юкни кўтара олишди. Шу сабабли миллий матбуот тамал тошини қўйган, журналистика анъаналарини яратган, муҳими, халқнинг чинакам фидойи қаҳрамонларига айланган бу одамлар номи ҳануз ёдимизда.

“Зарафшон” муҳаррирлари газета қандай номланишидан қатъи назар, миллий журналистиканинг абадий қонунлари – ҳақгўйлик, ҳозиржавоблик, ҳалоллик, фидойилик мезонларига риоя этиб яшаган. Уларнинг бу савобли ишлари, эзгуликлари кейинги авлод томонидан қадрланиб, давом эттирилмоқда. Янгича замонда ҳам бу улуғ инсонлар ибрати эҳтиёжга айланаётир. Бу ибрат нафақат ижодда, журналистикада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳар бир зиёли учун энг керакли сабоқларни бераётир. Давлатимиз раҳбари таъкидлагани-

дек, улуғ аждодларимиз меросини қанчалик пухта билсак, уни қалбимизга жо этсак, эртанги кунимизни шунчалик нурафшон кўраимиз. Бугун жамоамиз миллий матбуот булоқларини очган, тарихнинг суронли йилларида сўз қудратини кўрсата олган, ер юзининг сайқали ҳисобланган табаррук заминда катта ижодий мактабларини ярата олган бош муҳаррирларимиз хотирасини ёдга олишни лозим кўрди. Зеро, бу хотира ўтганлар руҳини шод қилиш билан бирга, касбимиз, қадримиз ҳурматини ҳам оширади.

**Фармон ТОШЕВ.**



*Биринчи сони чиқа бошлаганига 110 йил тўлаётган “Зарафшон” газетаси бағрида не-не улуғ эзгилар ижод қилганини унинг кўҳна тарихидан яхши била- миз. Ушбу газета дастлаб 1913 йилнинг апрель ойида “Самарқанд” номи билан чоп этилди, кейинчалик “Хуррият”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Ленин йўли” деб номланди.*

*Газетанинг тамал тошини қўйган жаид бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийдан тортиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида муҳаррир бўлган, дунё назарида- ги улуғ инсон Шароф Рашидовгача, урушдан кейинги машаққатли йилларда саркарлик қилган Тўлқин Рустамов, мустақиллиkning илк йилларида захмат ва шижоат билан ишлаган Марди Нуриддинов ва яна ўнлаб қаламкашларнинг азиз номлари абадул-абад унутилмайди. Зеро, улуғ инсонлар нафақат ҳаёт- лигиде, балки дунёдан ўтганларидан кейин ҳам эзгуликка, ҳурфикрликка, одамларнинг бошини қовуштиришга хизмат қилган.*

*Ёшим 84 да. Умиримнинг салкам етмиш йиллини журналистика, матбуот соҳа- সিда ўтказдим. Қаламим “Зарафшон”да қайралди. Газета саҳифаларида юзлаб мақола, хабарларим босилди. Уларнинг муштарийларга етиб боришида таҳри- риятда ишлаган муҳаррир ва мухбирларнинг хизмати катта. Фурсатдан фойда- ланиб, ўз даврида матонат, шижоат ва ўзгача салоҳият билан ишлаган муҳар- рирларнинг айримларининг ҳаёти ва фаолиятига тўхталишни лозим топдим.*

## Аҳил, ижодкор, ҳаракатчан жамоани йиққан муҳаррир эди

Қашқадарёнинг Косон туманида туғилиб, воёга етган Лутфулло Ҳамроев мухбирликка жуда эрта меҳр қўйган эди. У қишлоқ мактабда ўқир экан, бу ерда деворий газета чикаришни йўлга қўйгани. Унинг имзоси билан ёзилган мақола ва хабарлар бирин-кетин туман, вилоят, республика газеталарида босилиб турди. Лутфулло Ҳамроев шу тариқа ўтган асрининг 30-йилларида қаламкашлар сафидан ўрин эгаллади.

Қалби, муҳри газетачиликка боғланган ёш Лутфулло уруш йилларида бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан жангга қатнашди. 2-Болтикбўйи фронтда чиқиб турган “Суворовчи” газетасида жангчи мухбир бўлиб ишлаб, қуролдош дўстларининг жасорати ҳақида лавҳа ва очерклар ёзди.

Урушдан қайтган, Самарқандга келиб, “Ленин йўли” газетасида фаолият кўрсатди. 1956 йилдан 1968 йилгача газетани муҳаррирлик қилди. Бу йиллар мобайнида газета одамлар қалбига давр руҳини сингдирди. Газета бағрида Теша Сайдалиев, Оқилжон Ҳу- санов, Нормурод Нарзуллаев, Наим Ғойипов, Ҳақима Ҳасанова, Малик Наврўзов, Отахон Хўжаев, Манноп Нажмиддинов, Раҳматжон Акромов, Абдукарим Солиев, Ҳикमत Жавло- нов, Исроил Мирзаев, Самариддин Сирожид- динов, Қудратилло Мизомов, Марди Нурид- динов, Аҳмаджон Мухторов, Аҳад Турсунов, Амур Гайнов, Тоҳир Каримов, Матлаб Эр- мухаммедова, Бобоқул Имомов, Очил Тўйчи- ев, Ҳожикўрбон Ҳамидов, Хуриш Самиев,

Орзу Рўзиев, Суръат Орипов, Ғуллом Алиев, Шоди Мардиев, Зоя Маҳмудова, Нусрат Раҳмат, Тельман Раҳматов, Эркин Нейматов, Поён Равшанов, Абдусалом Муҳаммадалиев, Шариф Муҳаммадиев, Тожи Одиллов, Зайнид- дин Баҳриев, Ибодулло Улмасов, Топшўлат Аҳмад, Ҳазамфар Иброҳимов каби ижодкор- лар иш олиб борарди. Лутфулло Ҳамроев бошлик бу аҳил жамоанинг обрўсига йил- дан-йилга обрў қўшилди.

1964 йилда газетанинг 10 мингинчи сони чиқди, 1967 йилда газетанинг 50 йиллик юбилеий бўлиб ўтди. Унда газетанинг собиқ муҳаррири Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитасининг биринчи котиби Шароф Раши- дов иштирок этиб, газета байроғига “Ҳурмат белгиси” орденини тақиб қўйди. Бир неча журналистлар “Ўзбекистонда хизмат кўрсат- ган маданият ҳодими” фахрий унвони билан тақдирланди.

Лутфулло Ҳамроев ташаббуси билан таҳририят қошида ишчи-қишлоқ мухбирлари халқ университети ташкил этилиб, ўша йили уни ўттиз киши битириб, газетанинг толмас кўмакчилари бўлиб қолди. Ушбу ташаббус са- мараси ўлароқ икки йил ичида “Ленин йўли” 250 нафар жамоатчи мухбирга, 11 та колхоз ва 2 та совхоз мухбирлар постига эга бўл- ди. Лутфулло Ҳамроев 1968 йилдан бошлаб, Наманган вилоят газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

**Қишлоқларда яшовчи ишсизлар учун яна бир имконият яратилди. Президент қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар фуқароларга ажратилди. 10 сотихдан 1 гектаргача бўлган ўлчамдаги ерлар очик электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида берилмоқда. Бу имкониятдан асосан, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган ишсиз фуқаролар самарали фойдаланмоқда. Биз айнан шу масалада Иштихон туманида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.**



# ИШСИЗЛАРГА ИМКОНИЯТ

### 1663 НАФАР ИШСИЗГА 15 СОТИХДАН ЕР АЖРАТИЛДИ

Туманда ишсизлик муаммоси, ҳусусан, камбағаллиқни қисқартириш мақсадида жорий йилда 392 гектар ер майдони 10 йил мuddатга ижара шартномаси асосида ажратилиши белгиланган. Бугунги кунгача e-auction.uz савдо майдончасига жойлаштирилган 2272 та лотдан 2246 тасида ғолиблар аниқланди.

– Меҳнат қиламан, деган кишига бу катта имконият, – дейди туман маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази директори Қосим Нуриддинов. – Танловда ғолиб бўлганнинг 371 нафари “Темир дафтар”, 240 нафари “Аёллар дафтари”, 1052 нафари эса “Ёшлар дафтари” рўйхатига киритилган ишсизлар ҳисобланади. Қолган 586 нафари томорқадан самарали фойдаланаётган, ерга эҳтиёжи бор фуқаролардир.



### ЕРЛИ БЎЛГАН БИЛАН КАМБАҒАЛ БОЙ БЎЛМАЙДИ

Туманининг учинчи сектор ҳудудида жойлашган Кўнғирот маҳалласи Арзикул қишлоғида дафтларларда турган 63 кишига 15 сотихдан ер майдони ажратилди.

– Уттан йили ҳам ишсиз ёшларга ер майдонлари ажратилган эди, – дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, сектор раҳбари, подполковник Сирож Шарипов. – Аммо уларнинг барчаси ҳам берилган ердан унумли фойдалана олмади. Бунга ёшларнинг тажрибасизлиги, уруғ танлашда, агротехник тадбирларни ўтказишдаги тушунмовчиликлар, қолаверса, уларга кўмаклашишда мутаассадларнинг масъулиятсизлиги сабаб бўлганди. Шунинг учун энди “Ерни танловда ғолиб бўлганга бердик, иш битди”, деб бепарволик қилмаслигимиз керак. Улар “Бир маҳалла – бир маҳсулот” таъминлиги амал қилишлари зарур. Уруғ, ўғит ва сув таъминотида муаммога дуч келмасликлари учун яқиндан кўмаклашамиз, 10 йилда ерни шудгорлашдан то ҳосилни бозорга чиқариб сотишгача бўлган жараёнда уларга ёрдам бераксиз, мақсадга эришиш мумкин. Агар шундай қилмасак, танловда ютиб, ерли бўлган билан камбағал бой бўлиб қолмайди.

### КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР БЕПУЛ

Кўпчилик e-auction.uz савдо майдончаси орқали ер олиш пуллик, деб ўйлайди. Сабаби “аукцион” сўзи “оммавий қимомоди савдоси”, деган маънони билдиради. Аммо бу танловда пул роль ўйнамайди. Ерга эҳтиёжи, ижтимоий “дафтар”ларга киритилганилиги, деҳқончиликдан хабардорлиги инobatта олиниб, баллар берилди ва иштирокчилар орасидан юқори натижага эришганлар ғолиб ҳисобланади.

– “Аёллар дафтари”га киритилганман, – дейди Кўнғирот маҳалласида яшовчи Манзура Назарова. – Мени ва турмуш ўртоғимни ишсизлик муаммоси қийнаб эди. Тавakkал қилиб, танловда қатнашиш учун онлайн ариза топширдим. Қўл телефонимга ғолиб бўлганлигим ҳақида хабар келди. Давлат хизматлари маркази томонидан деҳқон хўжалиғи сифатида рўйхатдан ўтишимизга ёрдам кўрсатилди. Авваллари бир ҳужжат тўғрилиш учун қанча сарсон бўлар эдик. Аҳамиятлиси, бу хизматлар бепул. Берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ажратилган ердан нўмай даромад қилишни ният қилганмиз.

### ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАРКАН

Чағатоӣ маҳалласи ёшларидан бири Зафар Холиқулов талаба бўлиш орзуси амалга ошмагач, бир мuddат ишсиз қолди. Аммо “Олма пиш, оғзимга туш!” деб ўтирмади. Унинг исм-шарифи “Ёшлар дафтари”га киритилгандан кейин яратилаётган имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Банкдан 30 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, асаларичилик билан шугуллана бошлади. Бўш вақтида томорқасида меҳнат қилди. 3 йиллик кредитни бир йилга қолмай қайтарди.

– Иккинчи сектор раҳбарининг таклифи билан мен ҳам танловда иштирок этдим, – дейди З. Холиқулов. – Ғолиб бўлдим ва маҳалламиздаги катта йўл ёқасида жойлашган экин майдонининг 15 сотихдан 10 йил давомида фойдаланиш имкониятига эга бўлдим. Ҳам асаларичилик билан, ҳам деҳқончилик билан шугулланаман. Тенгдошларимда хоҳиш бўлса, уларни асаларичиликка ўргатаман.

Тўлқин СИДДИҚОВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

# Самарқандда биоиктисодиёт бўйича мутахассислар тайёрланади

**Жорий йилнинг 27-28 апрель кунлари Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида Ўзбекистонда илк марта таби “Мамлакатлар ва ҳудудларнинг барқарор ривожланиши учун биоиктисодиёт” номли халқаро илмий-амалий форум бўлиб ўтди.**

Форум Ўзбекистон, Латвия, Литва ва Финландия давлатларининг етти университети ҳамда Қишлоқ хўжалиғи вазириликнинг ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда илмий ходимлар, давлат муассасалари ва

иктисодиётнинг турли тармок корхоналари вакиллари ҳамда халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирок этди.

– Ўзбекистон тармок иктисодиётидан биоиктисодиётга самарали ўтишни амалга ошириш учун улкан салоҳиятга эга, аммо бу мақсадларга эришиш учун мамлакатда биоиктисодиёт ёндашувлари саноат амалиётига жорий этилган юқори малакали мутахассислар керак, – деди филиал директори, иктисодиёт фанлари доктори Шавкат Ҳасанов. – Мана шу лойиҳа доирасида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда туртта олий таълим муассасасида биоиктисодиёт бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга

қўйилади. Улардан бири Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалидир. Лойиҳа Эрасмус+ дастури томонидан молиялаштирилади.

Форумда Ўзбекистонда биоиктисодиётни ривожлантириш имкониятлари, унинг моҳияти, ўрни, афзалликлари, тармок ёндашувидан фарқлари, ягона биоиктисодиёт экотизимда турли субъектларнинг вазифалари ва афзалликлари ҳақида сўз юритилди. Икки кун давом этган тадбирда хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари билан биоиктисодиёт йўналишида мутахассислар тайёрлаш бўйича тажриба алмашилди.

**Хуришда ЭРНАЗАРОВА.**

# МИННЕСОТА университетидан нималарни ўргандик?

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети АҚШнинг Миннесота университети билан ҳамкорликда 2020-2023 йилларга мўлжалланган Twining дастурини амалга оширмоқда. Дастурнинг асосий мақсади Ўзбекистонда ветеринария таълимини Халқаро Эпизоотик Бюро (ХЭБ) талаблари асосида ташкил этиш, 5 йилликка мўлжалланган ўқув режа, малака талаблари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда университет профессор-ўқитувчиларининг мазкур таълим даргоҳида малака ошириш ҳамда таълим олишларини йўлга қўйишдан иборат. Жорий йилнинг 28 январь – 7 февраль кунлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда университет мутасаддиларидан иборат делегация Миннесота университетида хизмат сафарида бўлиб қайтдик.**

### МИННЕСОТА УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ТАНИШУВ

Миннесота университети Америка Қўшма Штатларининг 1600 та университетлари орасида кучли ўнналикда, халқаро рейтинг бўйича топ-1000 таликда 177-ўринни банд қилган. Университетга қарашли бўлган 17 та коллеж ва 10 дан ортиқ илмий ва таълим марказларида 52 миң нафарга яқин талабага 3,5 миң нафардан зиёд профессор-ўқитувчи таълим беради.

Қўшма Штатларда айна кунда 33 та олий таълим муассасасида ветеринария мутахассислари тайёрланадиган бўлса, биз борган университетнинг ветеринария медицинаси коллежи улар орасида етакчилардан саналади. Коллеж қошида қишлоқ хўжалик хайвонлари, отлар ва майда хайвонлар ветеринария клиникалари, хайвонлар виварийси, инфекция-он касалликлар диагностик маркази (марказ бутун штатга хизмат қилади) фаолият кўрсатмоқда. Коллежда таълим тизими амалиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, штатдаги 9000 бош қорамолга эга бўлган сутчилик фермаси, бошқа қишлоқ хўжалик хайвонлари мавжуд бўлган фермер хўжаликлари, тури хусусий клиникалар ҳамда ит ва мушуклар сақланадиган питомниклар билан узок мuddатли шартномалар тузилган. Талабалар учун фермаларда ўқув аудиториялари, ётоқхона, лабораториялар мавжуд.

### АМЕРИКАДА ЎҚИШГА КИРИШ ВА УНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ОСОНМИ?

Мактаб битирувчилари тўғридан-тўғри университетнинг ветеринария медицинаси коллежига ўқишга қабул қилинмайди. Ёшлар мактабни тамомлагандан сўнг, худди биздаги 3 йиллик ихтисослаштирилган ветеринария техникумига ўқаш ўқув муассасасини тугатиб, кейин мазкур коллежга ўқишга қабул қилиниши мумкин. Яъни, университетга киришнинг асосий талаби – ўқувчилар тавсия асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, чет давлатлардан келадиган ёшлар шу мутахассисликка яқин бўлган биология, ветеринария соҳаси ўқитиладиган ўқув юрларини тугатиб келган бўлишлари керак. Бакалаврият босқичида тўлиқ тўлов-контракт асосида ўқитилади. Кириш имтиҳонлари учун йил давомида хужжат топширилади, аммо талабгорларда албатта, тавсиянома бўлиши шарт. Кириш имтиҳонларида тест синови эмас, балки индивидуал сўхбат ўтказилади. Талабгорлар шу штатда ашаса, 30 миң доллар, бошқа штатдан келган бўлса, 60 миң доллар миқдоридан контракт маблағи тўлади. Бакалавриятга кирган талаба учун давлат томонидан кредит берилган. Талаба ўқишни битиргунча давлатдан 145 миң долларгача қарз бўлиб кетиши мумкин. Унга умри давомида тўлаш имконияти берилди.

Магистратура ва докторантура босқичлари мутлақо бепул. Магистратура босқичида талабага 29-30 миң АҚШ доллар атрофида стипендия тўланади. Умуман, магистратурага кириш талаблари бирмунча оғир ва ҳамма ҳам

бу босқичда ўқий олмади. Америка мезонларига кўра, махсус сертификат ва тегишли бални тўплай олишсагина, бу босқичга қабул қилинади.

### ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА КАТТА ФАРҚЛАР МАВЖУД ЭМАС, АММО...

Миннесота университети коллежларида ўқув жараёни учун ҳамма шароит бор, аудиториялар 6-8 талабадан иборат кичик гуруҳларга мўлжалланган, маъруза хоналари ҳам катта эмас. Йиллик қабул квотаси 104 тани ташкил этади, яъни 104 нафар талаба ветеринария медицинаси йўналишига ўқишга қабул қилинади. Ўқув режалари 4 йиллик ўқишга мўлжалланган бўлиб, университетнинг педагогик хайъати томонидан тасдиқланади. Коллежда албатта, Америка кредит тизими асосида ўқитилади ва бизникидан фарқи ўларок, 1 кредит 45 соатга, бизда эса Европа кредит тизими асосида 1 кредит 30 соатга мўлжалланган. Бизда ҳар бир семестрга 30 кредит миқдоридан тенг бўлинган, 4 ўқув йилига жами 240 кредитни ташкил этади. Уларда эса аксинча, ҳар ўқув семестрида ўқитиладиган фанларнинг хусусиятидан келиб чиқиб кредитлар миқдори белгиланган. Ўқув режасида фанларнинг бўлимлари, қисмлари алоҳида фан сифатида ўқитилади. Бизда эса фанлар умумий ўқитилади. Мисол учун, 5 та асосий клиник фанлардан бири бўлган ички юқумсиз касалликлар фани коллежда ҳар бир хайвон турлари бўйича чуқурлаштирилиб ўқитилади.

Ўқув режасига киритилган фанлар ХЭБ тавсиясига кўра тузилган 21 та фандан 18 таси ўқитилади, қолган учтаси талабанинг танлови кўра ўтилади. Бизда ХЭБ тавсия қилган 17 та фан ўқитилади.

Худди биздагидек ўқув режада мутахассислик бўйича мажбурий фанлар ва танлов фанлари мавжуд. Ўқув дастурининг 70 фоизи мустақил таълим олишга йўналтирилган. Талаба кўпроқ ўз устида ишлайди. Ҳар бир талабада ҳеч бўлмаса, битта ёки уч-тўрттадан ноутбук бор.

Фанлардан имтиҳонлар индивидуал тарзда эмас, гуруҳ шаклида олиб борилади. Яна бир қизиқ жиҳати, 1-курсдан уларда лидерликни ривожлантириш бўйича алоҳида дарс соатлари қўйилган. Уларда ҳам биздагидек ёзги ва кишик семестр бор. Мазкур коллежда бакалавриятда 400 дан зиёд, магистратурада 90 нафар талаба ўқийди.

### СОНГА ЭМАС, СИФТАГ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН

Талаба ўтиш балини тўплай олмаса, қайтадан ўқийди ёки ўқийшдан четлаштирилади (бунда унинг фаолиги, илмий мақолаларига эътибор берилди), бизда эса курсда қолдирилади. Ўқиш жараёнида масъулиятнинг кўп қисми талаба зиммасида. Шунинг учун у ерда бекор турган ёки юрган ёшларга кўзингиз тушмайди, ҳаммаса нима биландир машғул. Ҳатто ўқув корпуслари йўлакларига ётиб олиб, ёнида иккита ноутбук билан дарс тайёрлаётган талабаларни учратдик.

### БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИЛМАЙДИ

Хорижда ҳам битирувчиларнинг иш билан таъминланиши мониторинг қилинамиди? Биз шу масала билан қизиқиб кўрганмизда, “Бунга эҳтиёж йўқ, чунки улар 100 фоиз иш билан таъминланади”, деган жавобни олдик.

Компания, фирма ва клиникалар битирувчига ўзлари иш юзасидан таклиф билан келишади. АҚШда ветеринария соҳаси бўйича мутахассислар танқис ҳисобланади. Аммо битирувчи биргина диплом билан ишлай олмайди, ҳар бир штатнинг рухсатнома (лицензия) бериш талаботи бор, ҳар икки йилда лицензия янгиланиб турилиши керак. Лицензия олишнинг энг биринчи ва асосий талаби – штатнинг қонунларини билиши шарт.

Ёшлар бакалаврият босқичини тамомлагандан сўнг 2-3 йил ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиб, малака ва тажриба орттириб, бирдан докторантурада ўқишни давом эттириши ҳам мумкин. Бу ҳолатда магистратурада ўқиш талаб этилмайди.

### ИЖТМОИЙ ШАРОИТ ФАҚАТ СИФАТЛИ ТАЪЛИМГА ҚАРАТИЛГАН

Университет ва коллеж ҳудудида талаба учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам қулай ижтимоий шароит яратилган. Бино, аудитория, кутубхона, кафелар асосан, талабалар учун хизмат қилади. Университет ўқув бинолари икки катта шаҳарда (Миннаполис ва Сан Паул) жойлашган бўлиб, талаба ва ўқитувчилар учун кампусларро бепул автобуслар махсус графика бўйича қатнайди. Минтақада iklim совуқ ва киш узок вақт давом этганлиги учун ҳар бир ўқув биноси, лаборатория ва кутубхоналарни бир-бирига боғловчи ер ости ва ер усти туннеллари барпо этилган. Талабаларнинг совуқда ташқарида юриши шарт эмас.

Ўқитувчи ишлаши ва педагогик технологияларни қўллаши учун ҳар бир аудиторияда замонавий махсус ахборот коммуникация жиҳозлари (электрон доска, микрофон, проектор ва ҳокзоз) билан таъминланган (латта ва бўр ишлатилмайди). Ўқув жараёни учун адабиётларни таъминлаш учун ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатади. Марказнинг ҳар бир йўналиш учун алоҳида бўлимлари бор. Барчаси битта электрон тизимга улланган. Талаба истганидан туриб, ундан фойдалана олади.

Ўқув лабораторияларида талабалар ўқитувчи иштирокида ёки айрим ҳолларда ўзлари амалиёт ўтказишади. Шунингдек, ўқув клиникаси ҳамда виварийсида сақланадиган касал ва соғлом хайвонлар учун ҳам максимал қулай яшаш шароити яратилган. Ветеринария медицинаси коллежнинг озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лабораторияси ва ўқув аудиторияларида яратилган шароитлар ҳам ўта замонавий ва қулай.

Талабалар дастлабки босқичларда анатомия ва физиология каби фанларни чуқур ўзлаштириб, юқори курсларда клиник фанлардан диагностика қилиш ва даволаш тадбирларини хайвонларда ўз кўзи билан кўриб, қўллари билан баҳралиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

### ХАЛҚАРО ЭПИЗООТИК БЮРОНИНГ МАХСУС КАБИНЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бюро эксперти Дмитрий Морозов жорий йилнинг май ойида мамлакатимизга келиши кутилмоқда. Америка сафари давомида эксперт билан мулоқот қилдик, режаларимиз ва мақсадларимизни айтдик. У лойиҳага хайрихоҳлигини билдирди. Келажақда ХЭБнинг махсус кабинети университетимизда ташкил этилиши – бу биз учун катта имконият ва масъулият демакдир. Демак, дунё томон юзланамиз.

Ўзбекистонда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги туб излохотлар, соҳада эришилган ютуқ ва натижалар янада самарали бўлади. Халқаро Эпизоотик Бюро билан ҳамкорликнинг янги даври бошланади, дея умид қилиш мумкин.

**Худойназар ЮНУСОВ,**

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори, биология фанлари доктори, профессор.**

# Каттақўрғондаги корхона сантехника фитинглари экспорт қилмоқда

**Каттақўрғон шаҳрида 2016 йилда Хитой билан ҳамкорликда сантехника фитинглари ишлаб чиқарувчи “METALL SOLUTION INTERNATIONAL 7777” қўшма корхонаси фаолият бошлаган эди. Бугунга келиб, корхона сантехника жиҳозларини хорижга экспорт қилмоқда.**




– Корхонамизда 39 нафар ишчи-ҳодим фаолият олиб боради, – дейди корхона раҳбари Набибулло Нарзуллаев. – Хитой ва Туркиядан замонавий технологиялар олиб келиб, сантехника фитинглари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирда маҳсулотларимизни Хитой, Қозоғистон, Россия ва Туркияга экспорт қиламиз. Қўлгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, пластмасса жиҳозларини ишлаб чиқаришни режалаштирямиз.

**Ф.РЎЗИБОЕВ.**

# "ЗАРАФШОН" НИНГ МУХАРРИРЛАРИ



**Мақсудхўжа БЕХБУДИЙ**  
1913-1917 йилларда мұхаррирлик қилган



**Абдурауф ФИТРАТ**  
1917-1918 йилларда мұхаррирлик қилган

**Акобир ШОМАНСУРОВ**  
1917 йилда мұхаррирлик қилган

**Мўмин Хўжа**  
(Абдумўмин Хўжаев)  
1924 йилда мұхаррирлик қилган



**Саифуризо АЛИЗОДА**  
1918 йилда мұхаррирлик қилган



**Хўжи Мўмин**  
1918-1921 йилларда мұхаррирлик қилган




**Хайдарбек АБДУЖАББОРОВ**  
1921-1922 йилларда мұхаррирлик қилган




**Ғози ЮНУС**  
1922 йилда мұхаррирлик қилган



**Али ИСМОИЛЗОДА**  
1923-1924 йилларда мұхаррирлик қилган



**Маъруф РАСУЛИЙ**  
1925-1926 йилларда мұхаррирлик қилган



**Абдулхамид МАЖИДИЙ**  
1926 йилда мұхаррирлик қилган



**Раҳим ШОКИРБЕКОВ**  
1926-1927 йилларда мұхаррирлик қилган



**Анқабой ХУДОЙБАХТОВ**  
1928-1929 йилларда мұхаррирлик қилган

## Ўтқир қалам соҳиби

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Марди Нуриддинов ўз даврининг фидойи маърифатпарварларидан бири эди. Бунга тўлиқ асос бор. У қайси вазифада ишлагани, бир он қўлидан қаламини қўймай, ижод билан машғул эди.

- Ҳозирда Самарқанд ижодий муҳитида фаолият кўрсатаётган ҳамкасбларим сафида мен ҳам радио ва газетани Марди Нуриддинов раҳбарлигида ишлаганиман, - дейди таниқли журналист Амрилло Аҳмедов. - У киши бизни янги мавзуларда ёзишга чорлашдан, материалларимизни

таҳлил қилишдан, маслаҳат беришдан чарчамас эди.

Ўтқир қалам соҳиби Марди Нуриддинов "Ленин йўли" газетасига ишга ўтди. У вилоятнинг бош нашрида масъул котиб ўринбосари, тарғибот бўлими мудири вазифаларида хизмат қилди.

Кейинчалик вилоят радио ва телевидение кўмитаси раиси, "Ленин йўли" газетаси бош мұхаррири, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси лавозимларида ишлади. Бир мўддат Каттакўрғон тумани ҳокими бўлди.



**Раҳмат МАЖИДИЙ**  
1930-1932 йилларда мұхаррирлик қилган



**Рустам АБДУРАҚМОНОВ**  
1932-1934 йилларда мұхаррирлик қилган



**Заки САТТОРОВ**  
1934-1937 йилларда мұхаррирлик қилган



**Обид ҲАМИДОВ**  
1937 йилда мұхаррирлик қилган

## Ғафур Ғулومнинг дуосини олган мураббий

"Зарафшон"нинг забардаст мұхаррирлари ҳақида гап кетса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Нуриддин Шукуровнинг номи алоҳида тилга олинади.

Таниқли адабиётшунос олим, таржимон ва мунаққид, шоир, журналист 1968-1973 йилларда "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетасида бош мұхаррир сифатида фаолият кўрсатган эди.

Нуриддин Шукуров ғоятда зукко ва нозиктаъб мураббий эди. Унинг талабаларга илм сирларини ўргатишда ўзига хос ва бетакрор услуби бор эди. Бунинг устига, у таниқли

жамоат арбоби ва таълимнинг моҳир ташкилотчиси бўлган. Самарқанд вилояти миқёсидаги турли ташкилотларда раҳбарлик қилган. Унинг уйи шоғирлар учун доимо очик бўлиб, адабий баҳслар, тортишувларга бой давралар бўларди. Чунки домла Самарқанд давлат университетидagi "Шалола" адабий тўғарагини ташкил этиб, унинг атрофига Омон Матжон, Илҳом Ҳасанов каби истеъдод эгаларини жамлаган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида масъул вазифада фаолият кўрсатаётган Нодир Жонузок домланинг ана шундай умидли шоғирларидан бири.

Нуриддин Шукуров Хизр назар қилган туғма иқтидорга эга олим ва педагог эди. Академик шоир Ғафур Ғулумга шоғирд тушиб, унинг дуосини олган Нуриддин ака ўзидан катта адабий мерос қолдирди. Сўз санъатининг турли масалаларига бағишланган 300 дан кўпроқ мақола, асарлар яратди.



**Ҳамро РИЗКУЛОВ**  
1937-1938 йилларда мұхаррирлик қилган



**Шароф РАШИДОВ**  
1941, 1943-1944 йилларда мұхаррирлик қилган



**Вали ХўЖАЕВ**  
1944-1947 йилларда мұхаррирлик қилган



**Тўлқин РУСТАМОВ**  
1947-1950 йилларда мұхаррирлик қилган

## Ўзбек журналистикасида ўз феноменини яратган

"Газета - оқ дастурхон. Ундаги неъматларнинг ҳаммаси халқники, покиза, гардсиз улар. Шу сабаб ҳам газетани оқ кўнгил, оппоқ, покиза қалб билан қўл узатмоқ лозим. Оппоқ газетани попоқ, исқирт нарсаларни ўраш гуноҳдир.

Газета инсоннинг тафаккур махсули, китобдан-да улурқодир. Сабаби, у муттасили ангиланиб, жозибаланиб туради.

Газета - тафаккур, Яратганнинг руҳи ва нурулари синган". Бу - Самарқанд журналистика мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмаджон Мухторовнинг гаплари.

Бугун бу инсоннинг номи Ўзбекистон матбуоти ва журналистикасининг забардаст вакили сифатида фахр билан тилга олинади. Аҳмаджон Мухторов туғма истеъдод соҳиби, ўзбек ва рус тилларида эркин ижод қиладиган, форс тилини муккамал биладиган қаламкаш, моҳир публицист эди.

Газетачилик заҳматидан завқ-шавқ оладиган Аҳмаджон катта ижодий жамоада товланди. 1973 йилдан бошлаб газета тахририятини бошқарди. Раҳбар сифатида газета оммавийлиги ва салоҳиятини янада оширди. Ўнлаб ёш журналистларни тарбиялади. Аҳмаджон Мухторов 1986 йилда республика "Қишлоқ ҳақиқати" газетаси мұхаррири этиб тайинланди. 1991 йил 1 январдан эса "Халқ сўзи" газетаси асосчилари қаторида янги нашрнинг бош мұхаррири бўлди.



## Табаррук даргоҳга эътиқоди баланд мұхаррир

"Зарафшон" газетаси нафақат ижодкорлар мактаби, балки элга танилган ташкилотчи раҳбарларни ҳам тарбиялаган табаррук даргоҳ ҳамдир. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ургут тумани ҳокими Холмуҳаммад Нуруллаев шулардан бири эди.

У Ургут фарзанди. Самарқанд давлат педагогика институтида таҳсил олди. Интернет-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Журналистикага иштиёқ уни "Жиззах ҳақиқати" газетаси тахририятига етаклади. Тошкентда "Ёш ленинчи" газетаси тахририят-ида мұхбир бўлди. 1983 йилдан "Ленин йўли" ижодий муҳитида товланди. Ўтқир фельетон ва публицистик мақолалари билан элга танилди. "Халқ сўзи" сувидан ҳам ичди.

Олти йил вилоят ҳокимлигида масъул вазифаларда ишлагач, 1997 йили "Зарафшон"га бош мұхаррир бўлиб келди. Янгиликка интилувчан, ижод хиси билан нафас оладиган Холмуҳаммад Нуруллаев тахририятда ижодий эркинлик муҳитини яратди.

У доимо "Зарафшон"ни улўғ билди, юқори лавозимда ишлаган кезлари ҳам қўтлўғ даргоҳ эшигини унутмади. Табаррук даргоҳга эътиқоди баландлигидан ўзи биладиган, бирга ишлаган ижодкор дўстлари даврасини соғиниб-соғиниб яшарди.

У "Нури сўнмас даргоҳ бу" ("Зарафшон" газетаси, 2002 йил 18 май) сарлавҳали мақола-сида бу ҳақда тўлқинланиб ёзганди.


"...Зарафшон"да кечган йилларим қадри вақт ўтган сари мен учун ошиб боряпти. Зеро, оппоқ қоғозу боши чайналган қалам билан бу ҳаётдан кўп нарса топдим. Тоza дўстлар, чала меҳр оғайниллар, Самарқанд пасту баландларини англаш... майли, булар ҳам керак. Лекин энг муҳими, бу табаррук даргоҳ менга дунёга уйўқ ва хушёр, гул деб тиканнинг устига оёқ босмаслик назари билан қарашдан сабоқ берди. Ҳаётимда "Сабоқ - хулоса - ҳосила" занжирини яратди. Ҳар инсон топган ва йўқотганларини ўзи билади ва ўзига етади. Мен бугун 15 ой бу табаррук газета бош мұхаррирлиги насиб этгани нур устига ўзимга яраша таҳаллуслик монанд Нур бўлди, деб ўйлайман".

Афсуски, бевақт ўлим "Зарафшон"нинг ҳақиқий дўсти ва содиқ аъзосини жуда эрта орамиздан олиб кетди.

**Облоқул УСМОНҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.



**Орзиқул НАИМОВ**  
1950-1953 йилларда мұхаррирлик қилган



**Ғиёс АШУРОВ**  
1953-1955 йилларда мұхаррирлик қилган



**Лутфулла ҲАМРОЕВ**  
1956-1968 йилларда мұхаррирлик қилган



**Нуриддин ШУКУРОВ**  
1968-1973 йилларда мұхаррирлик қилган



**Ҳабибулло ТЕМИРОВ**  
1992-1997 йилларда мұхаррирлик қилган



**Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ**  
1997-1998 йилларда мұхаррирлик қилган



**Аҳмаджон МУХТОРОВ**  
1973-1986 йилларда мұхаррирлик қилган



**Марди НУРИДДИНОВ**  
1986-1992 йилларда мұхаррирлик қилган



**Музаффар МУҚИМОВ**  
1998 йилда мұхаррирлик қилган



**Фармон ТОШЕВ**  
1998 йил декабрдан буён бош мұхаррир

## Илоҳий нур жозибаси

Мен аслида журналист бўлмақчи эсимдим. Мактабда ўқиб юрган чоғларимда кўнглимда адибликка ҳавас туғилганди. Шунинг учун ҳам ўиничи синфни битказгач, Самарқанд давлат университети тил ва адабиёт бўлимига ўқишга кирдим ва талабалик йилларимда бадиий ижод бобидаги машқларимни давом эттирган ҳолда илмий мақолалар ёздим, конференцияларда маърузалар қилдим. Ўқишни битказгач, факультетда ишга олиб қоладиган бўлишди.

Бирок диплом олган кунларимизда жой бўлмади қолди. Деканмиз Нуриддин Шукуров: "Вилоят газетасида беш-олти ой ишлаб турасан, унғача жой очилади, қайтиб келасан", дедилар. Нуриддин ака бизга декан бўлиб келишидан олдин вилоят газетасига раҳбарлик қилган, тахририятда ҳурмати баланд экан. Бош мұхаррир Аҳмаджон Мухторовга кўнғироқ қилди. Мухторов: "Майли, келиб, масъул котиб Суръат Ориповга учрашин", деди.

Шу тариқа 1976 йил июль ойининг ўрталарида "Ленин йўли"га ишга келдим. Чиндан ҳам бошда факультетда жой очилган заҳоти қайтиб кетиш ниятида эдим. Аммо дастлабки кунлардан журналистиканинг фусункор ва қайноқ оламига қаттиқ меҳр қўйдим. Кейинчалик ҳарчанд уринмайин, бу меҳр, бу муҳаббатдан воз кечолмадим. Тақдир тақозоси билан бир неча марта бошқа соҳаларга ўтиб, уларда мустаҳкам ўрнашишга уриниб кўрдим. Аммо журналистикадаги завқ ва ҳаловатни ҳеч бир жойда ҳис этолмадим. Шу боис ҳар гал унинг қучоғига қайтдим. Ҳаётимни ушбу касбга боғлаганимдан асло пушаймон бўлмайман.

Бунинг боиси "Зарафшон"да юз йиллардан буён барқарор мафтункор ижодий муҳит, унинг бағрида камол топган юзлаб безназир инсонлар руҳидан таралувчи илоҳий нур жозибаси бўлса керак. Шу нур ҳеч қачон сўнмасин.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ.**

## Маҳорат мактаби

1980 йилларда "Ленин йўли" газетаси тахририятда анчагина истеъдодли журналистлар жамоаси тўпланганди. Уларнинг ҳар бири ўз фикрлаш тарзига, қаламига эга инсонлар эди.

Мен 1981 йилда университетни тамомлаб, шу жамоа сафига қўшилганимда уларнинг ҳар биридан ниманидир ўрганганим бор гап. Чунки журналистика ёки филология факультетини битирган ҳеч бир ёш мутахассис газетани, телевидение ёки радиога тайёр журналист бўлиб келмайди. Унда фақат ўқиш даврида ўз иқтидорига яраша тўплаган назарий билимлар бўлиши мумкин. Аммо маҳорат йиллар давомида, босқичма-босқич шаклландиган, аниқроғи, ўзлаштирилдиган бир нарсаки, уни, таъбир жоиз бўлса, инсон бир ўзи умр бўйи тиклайдиган биного қиёслаш мумкин. Ана шу жараёнда ҳар бир кишига сендан олдин бу йўлни босиб ўтган устозлар маслаҳати, таърибаси жуда қўл келади.

Уша пайтлар газета мұхаррири вазифасида ишлаган Аҳмаджон

Мухторов менинг ҳужжатларим ва йўлланмам билан танишар экан, суҳбат асносида "Музаффар, бу газета сиз учун машқ мактаби эмас, маҳорат мактаби бўлиши керак", дегани эсимда. Ҳақиқатан ҳам, қишлоқ хўжалиги соҳаси билимдони Аҳмад Нарзиқулов, Манноп Нажмиддинов, Шариф Хўжаев, Исо Абдурахмонов ва бошқалардан журналист сифатида турли масалаларни ёритишга оид кўп маслаҳатлар олганман.

Биз ўтган асрнинг 80-йилларида Ҳабиб Темиров, Фармон Тошев, Ҳамидулло Низомов билан ёнма-ён ишлаб, журналистика, аниқроғи, газетачилик заҳматини бирга тотганмиз. У пайтлар газетанинг ҳар сатри кўрғошинда терилиб, уни тайёрлаш, чоп этишининг ўзи бир кеча-кундуз вақтни олишини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади.

Энди ўйласам, айнан ана шундай кишилар, кейинчалик уларнинг изидан етишиб чиққан бошқа журналистлар тўғриси "Зарафшон" республика миқёсида ҳам ўз мавқеига эга нашрлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади, дея умид қиламан.

**Музаффар МУҚИМОВ.**

